ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ БОШЛИГИНИНГ БУЙРУГИ

576 Автомобилда ташувчининг фойдаланиш хизмати ва техника хизмати тўгрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хакида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 16 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1936-1

Ўзбекистон Республикасининг «Мехнатни мухофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2009 йил 3 мартдаги 19-сон буйруги (рўйхат раками 1936, 2009 йил 6 апрель) (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2009 й., 15-сон, 192-модда) билан тасдикланган Автомобилда ташувчининг фойдаланиш хизмати ва техника хизмати тўгрисидаги низомга иловага мувофик ўзгартиришлар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й.



576-модда

— 68 —

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

В. ИСМАИЛОВ

50 (758)-сон

Тошкент ш., 2016 йил 13 декабрь, 48-сон

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2016 йил 13 декабрдаги 48-сонли буйругига ИЛОВА

Автомобилда ташувчининг фойдаланиш хизмати ва техника хизмати тўгрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

- 1. Муқаддимадан «(Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2004 й., 10-сон, 120-модда)» деган сузлар чиқариб ташлансин.
 - 2. 4-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «Узбекистон Республикасининг «Мехнатни мухофаза қилиш тўгрисида» ги Конунига асосан, ишлаб чикариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда мехнатни мухофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида мехнатни мухофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки мехнатни мухофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда мехнатни мухофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки мехнатни мухофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўгрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти хисобга олинган холда қабул қилинади.».

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қумитаси билан келишилган.

Мехнат вазири

А. АБДУХАКИМОВ

2016 йил 9 декабрь

Ички ишлар вазири

А. АХМЕДБАЕВ

2016 йил 9 декабрь



50 (758)-сон — 69 — 576-577-моддалар

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Д. ХИДОЯТОВ

2016 йил 9 декабрь